



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 2 февраль № 5 (182)

Сотувда нархи эркин

## ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

**Алоқа вазирлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Алоқа вазири Т. Раҳимов бошқарди. Йиғилишда хайъат аъзолари, Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Назорат-тафтиш бўлими бошлиғи Е. Карелин қатнашди.**

Мажлисда «Давлат солиқ қўмитасининг Алоқа вазирлигига қарашли корхона, концерн ва ташкилотларнинг тафтиш натижалари» ва «Тошхриқларни бажариш интизоми» каби масалалар кўриб чиқилди. Биринчи масала бўйича Алоқа вазирлиги бош ҳисобчиси О. Жумаев маърузаси тингланди. Маърузачи 80 га яқин алоқа корхоналарида Давлат солиқ қўмитаси текширув ўтказганлигини, аксарият корхоналар солиқ қонунчилигини бузганлигини айтиб ўтди.

Алоқа вазирлиги бўйича тўланиши керак бўлган 4106,2 минг сўм миқдордаги солиқлар бюджетга ўз вақтида ўтказилмаган. Алоқа вазирлиги аппарати бўйича кўрилган жами молиявий зарар 8212,5 минг сўми ташкил қилди. «Ўзбектелеком» концернида ҳам солиқ тўлаш тартиби бузилиб, тўланиши лозим бўлган 36640,4 минг сўмлик маблағ кам ҳисобланган. Шундай қилиб, концерн давлат бюджетига 151733 минг сўм тўлаши лозим. Худди шундай аҳволни Халқаро ҳисоб-китоблар ва Шартномалар марказида ҳам учратиш мумкин. Ушбу корхона ҳам бюджетга 84369,5 минг сўм ўтказиши лозим бўлади. Умуман ҳамма

текширилган корхоналар бўйича давлат ҳисобидан фойдани яшириш 183600,3 минг сўми ташкил этди. Алоқа корхоналари ўз вақтида солиқ тўламаганликлари учун 94057,4 минг сўм жарима тўлашга мажбур эканлиги алоҳида таъкидланди. Кўпгина корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилар солиқ тизими қонунларини яхши тушунмасликлари оқибатида шундай камчиликларга йўл қўйилган.

Иккинчи масала бўйича Алоқа вазирлиги Умумий бўлими бошлиғи Ж. Шодмонов маъруза қилди. Маърузачи алоқа корхоналарида топшириқларни бажариш интизоми хусусида маълумот берди. Бу борада баъзи алоқа корхоналари тўғри иш олиб бораётганилиги, айримлари эса ишни пайсалга солаётганлиги таъкидланди.

Муҳокамаларда Алоқа вазири ўринбосари А. Жўрабоев, «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметов, Халқаро ҳисоб-китоблар ва Шартномалар маркази директори М. Холмуротовалар сўзга чиқишиб, кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Хайъат йиғилишида ишда йўл қўйган камчиликлари учун вазирлик бош ҳисобчиси О. Жумаев ва «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметовга хайъат берилди. Шу концерн бош ҳисобчиси М. Паннинг эса ишдан озод қилиниши сўралди. Халқаро ҳисоб-китоблар ва Шартномалар маркази директори М. Холмуротова ва шу корхона бош ҳисобчиси Ф. Хайдарова оғохлантирилди.

Йиғилишда бошқа тегишли қарорлар ҳам қабул қилинди.

Республикада аҳолисига алоқа хизмати яхшилаш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бошқарув тизимини такомиллаштириш, раҳбар ходимларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш алоҳида аҳамият касб этади.

Давр талабига мос, янгича фикрлайдиган раҳбар ходимларсиз олдимизга қўйилган вазирларни бажара олмаслигимиз ҳаммага аён.

раҳбар билан суҳбат ўтказилди.

Республика ва вилоят миқёсидаги 59 раҳбардан 27 таси эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилиб, 7 раҳбар шартли аттестация қилинди, 4 раҳбар эса эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилди. Лавозимда бир йилдан кам ишлаётган 15 раҳбар билан суҳбат ўтказилди.

Шаҳар ва туман электралоқа боғламасининг 413 раҳбаридан 226 таси лавозимига лойиқ, 88 таси шартли, 22 таси эса лойиқ

қойдалана олмаганлиги оқибатида тидир.

Аттестация даврида Қўрақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлиги раҳбарлари билан алоқа соҳасида раҳбар ходимларни ҳозирги замон талаблари асосида танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича келишиб олинди. Шунингдек, «Ўзбектелеком» концерни ва давлат почта алоқаси корхонаси раҳбарларига аттестация жараёнида қайд этилган камчиликлар-

## КАДРЛАР — КАТТА КУЧ

Ана шу мақсадда Алоқа вазирлиги, Президент девони ва Вазирлар Маҳамаси масъул ходимлари иштирокида 1995 йилнинг октябрь-декабрь ойларида республика, вилоят, шаҳар ва туман электралоқа тизими раҳбарлари аттестациядан ўтказилди. Бу тадбирда Қўрақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоят ҳокими ўринбосарлари ва бўлим бошлиқлари қатнашдилар.

Авалло, бозор иқтисодиёти, маркетинг, менежмент ва ҳисоб-китоб бўйича аттестация саволлари, суҳбатдан ўтадиганлар учун эса алоқа ходимларини қайта тайёрлаш Маркази томонидан тест сновлари ишлаб чиқилди.

Аттестация натижасида раҳбар ходимларнинг иқтисодий ислохотни амалга оширишдаги аниқ мақсад ва вазифалари, билими ҳамда «Телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастури»ни тўла бажаришдаги режалари аниқланди.

Аттестация якунига кўра 472 раҳбардан 253 таси эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилди. 96 нафар раҳбар эса шартли аттестация қилинди, 25 таси эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас деб топилди, 98

деб топилди. 77 раҳбар билан суҳбат ўтказилиб, 5 нафарини лавозимидан озод қилиш таклиф этилди.

Аттестация якуни бўйича 70 фойз раҳбарнинг техник-иқтисодий билими «Миллий дастур»ни бажаришга етарли деб ҳисобланди. Шунингдек, аттестация якуни бу тадбир ўз вақтида ўтказилгани, алоқа соҳаси раҳбарлари ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишлашни кескин қучайтириш зарурлигини тасдиқлади. Аттестация давомидида баъзи корхоналарнинг раҳбарлари алмаштирилди, бир неча раҳбарларни корхона, концерн ва вазирликдаги бўш лавозимларга ишга олиш таклиф этилди.

Ҳар бир раҳбарга келгуси вазифалар ва уларни тўла-тўқис бажариш тўғрисида тушунтириш ва маслаҳатлар берилди. Шу билан бирга жойларда раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича кўпол католикларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди. Масалан, Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида туман электралоқа тармоғи бошлиғи лавозимига мутлақо бошқа соҳа ходимларини тайинланган. Ваҳоланки, бу вилоятларда алоқа институтини битирган мутахассислар ишламоқда. Бу ҳолат вилоят электралоқа корхона раҳбарларининг берилган ваколат ва ҳуқуқдан тўғри

ни бартараф этиш бўйича қўра-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Алоқачи раҳбарлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш бўйича Тошкент Электротехника алоқа институти, Алоқа коллежи ва қайта тайёрлов Маркази фаолиятини мувофиқлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Жойларда муҳандис-техник ходимларни алоқа соҳасига оид маълумотлар билан таъминлаш масалалари тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Республикада кечаётган иқтисодий ислохотнинг ҳозирги босқичидаги вазифалардан келиб чиқиб, алоқа соҳасида қандай ишлар қилинди? Қайси тармоқларда ютуқлар кўп бўлдию қайсыларида камчиликларга йўл қўйилди? Ютуқлар ва камчиликларнинг сабаблари нимада? Бу саволларга тўғри жавоб топши-

нинг бирдан-бир йўли ишчи-хизматчи ва раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш, жой-жойига қўйиш тизимини тубдан ўзгартириш, мукамаллаштириш ҳамда узлуксиз олиб боришни бозор иқтисодиёти шароити талаб этади.

Абдувоҳид ЖўРАБОЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг ўринбосари

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР  
• ХАВАРЛАР

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 январь куни Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Е. Примаков, Мудофаа вазири П. Грачев, ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик вазири В. Серовни қабул қилди.

\* Америка Қўшма Штатларидан хушxabар келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тинчликни сақлаш, ҳозирги мурак-

каб сиёсий шароитда Ўзбекистонда миллий зиддиятларнинг олдини олиш борасидаги улкан хизматлари учун Фанлар, таълим, индустрия ва санъат Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

\* Тошкентдаги мухташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон тадбиркорларининг анжумани бўлиб ўтди.

\* Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида афгонистонлик бир ғуруҳ адиблар билан учрашув бўлди.

\* Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси кўмағида «Замонавий шахарлар ва шаҳарликлар» мавзусида тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ўтказди.

\* Грознийда ва Чеченистоннинг бошқа ҳудудларида вазият мураккабланишга қолмоқда. Аргун ва Шали шаҳарларида митинг ўтказган ғуруҳлар федерал қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини талаб қилмоқда.

\* Ўтган йилнинг декабрь ойи бошида Хабаровск ўлкасида ҳалокатга учраган ТУ-154 самолётининг учинчи «қора яшиги» топилди.

\* Страсбургда бўлиб ўт-

ган Европа иттифоқининг парламент ассамблеяси Россиянинг ана шу ташкилотга аъзо этиш хусусида берган ариазисини қондирди.

\* Ҳиндистон пойтахти Дехлида бўлиб ўтган «Марказий Осиё ва Ҳиндистон» мавзусидаги халқаро конференцияда кўплаб мамлакатлар вакиллари қатори ўзбекистонлик олимлар ҳам иштирок эттишти.

\* Тел-Авивда 25 ёшли экстремист Гигал Амир устидан суд жараёни қайтадан бошланди. Маълумки, у ўтган йил кузида Исроил Бош вазири Исхқоқ Рабинни отиб ўлдирганди.

\* Яқшанба куни тунда Панж чегара отряди чегарачилари муҳолифат аъзоси бўлган етти нафар қуролли кишини Афго-

нистондан Тожикистон ҳудудида ўтказишга уринишни барбод этдилар.

\* Танзаниядаги қишлоқлардан бирида тўхтовсиз кулиш касаллиги тарқалди. Инглиз шифокори Роберт Холден бу янги касалликни текшириб, шундай хулосага келди: номаълум вирус кулги этларни фаолиятини бошқариш билан боғланган марказий асаб тизимининг бир қисмини емиради. Вирусга қарши ҳозирча доривор топилгани йўқ.

\* Лос-Анжелос шаҳрида жойлашган Калифорния университетининг олимлари 1200 йил давомида сақланиб келаётган Лотос уруғи гулини кўкяртиришга эришдилар.

Термиз шаҳар почта алоқа корхонаси 100 мингдан кўпроқ аҳолига хизмат кўрсатади. Корхона таркибидаги 13 та алоқа бўлими ва битта почта алмасув масканида 115 киши меҳнат қилади. Шаҳар бўйича 10 минг нафақачига ҳар ойда 8 миллион сўмлик нафақа тарқатилади. Газета ва журналлар, пул жўнатмала-



ри, юбортмалар, хат-хабарлар ҳам аҳолига ўз вақтида етказиб берилляпти. Шаҳар почта алоқа корхонасида газета ва журналларга обуна қилиш бўлими ишлаб турибди.

Бозор иқтисодиёти тежамкорлик билан ишлашни талаб қилмоқда. Шу боис илгари корхонада 8 та транспортда аҳолига хиз-

## РАҲБАР ИШЧАН БЎЛСА...

мат кўрсатилган бўлса, ҳозир 2 та автоуловдан фойдаланиляпти. Бу эса корхонадаги ортиқча харажатларни камайтиришга олиб келди.

Аксарият корхоналарда бўлганидек, жамоада нафақаларни тарқатишда нақд пулнинг етишмаслиги муаммо бўлиб турибди. Шаҳар ҳокимлиги бу борада яқиндан ёрдам бермоқда. Кейинги пайтларда жўнатмалар камайиб кетишига қарамай, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган; бевосита алоқа бўлимларида газета ва журналларни сотиш ташкил қилинган. Алмасув маскани қошида эса халқаро бўлим ишлаб турибди. Унда халқаро хат-хабарлар, ҳар хил почта жўнатмалари Термиз-Ҳайратон почта алмасув маскани орқали хорижий мамлакатларга жўнатилади ва қабул қилиб олинади. Шунингдек, бошқа корхоналар билан шартнома асосида ишланяпти. Шундай шартнома Термиз шаҳар электралоқа корхонаси билан тузилган. Почтачилар

аҳолидан телефон хизмати учун тўловларни қабул қилиб олишда кўмаклашишмоқда. Бу эса корхона учун қўшимча даромад келтираётир.

Корхонада аҳолига намунали хизмат йўлга қўйилган алоқа бўлимлари ҳам талаягина. Булар Термиз-4,5,6-почта алоқа бўлимларидир. Жамоадаги 40 нафар почтачи Термиз шаҳридаги обуначиларга хат-хабарлар, газета ва журналларни ўз эгаларига вақтида етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Шулардан Х. Сафарғалиева, О. Бобоева, Э. Умидбоева, Т. Чориева, Н. Шоюсуповалар эл олқишига сазовор бўлишмоқда. Қайси жойда раҳбар уддабурон, тadbиркор бўлса, ўша ерда унум бўлади. Буни корхонада амалга оширилган ишлар ҳам тасдиқлайди.

Корхона бошлиғи Турсунпўлат Худойкулов ишни кўнгилдагидек ташкил этганиги учун ҳурмат-эътибор топган алоқачилардан ҳисобланади.

Термиз шаҳрида алоқа соҳасида ишлашнинг ўзига хос томони бор. Чунки хорижий давлатлар билан почта

алоқаси худди шу ердан амалга оширилади. Бу ҳақда корхона раҳбари Турсунпўлат ака Худойкулов шундай дейди:

«Жамоамизда турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар билан аҳиликда ишлаб келямиз. Ҳар бир ишчи-ҳодимнинг ўзига яраша ташвиши, муаммоси бор. Раҳбар ҳар бир одамнинг қалбига йўл топа олиши керак. Шу боис мен ҳодимларнинг моддий аҳволи ва кайфиятига эътибор бераман».

Ҳа, раҳбарнинг гапида жон бор. Корхонада бўлганимизда бунга ишондик. Аммо иш бор жойда хато бор. Жамоа ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан яқунлади. Асосий хизмат фаолиятдан келган даромад 2 миллион 872 минг сўмни ташкил этган бўлса, шундан аҳолига кўрсатилган хизматдан 550 минг сўм миқдориде даромад олинди. Иш тўғриси йўлга қўйилганлиги боис ўтган йили 376 минг сўмдан кўпроқ соф фойда кўрилди. Аҳил жамоа аъзолари жорий— юксалиш йилида аҳолига янада яхшироқ алоқа хизмати кўрсатишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

Иззат АҲМЕДОВ

Яқинда Республика Электромангнит мослашув марказида йиллик ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Утган йилда бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгу-

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

си режалар белгиланди.

Корхона 1995 йилни 14257,8 минг сўм миқдориде даромад билан яқунлади. Корхонанинг баланс фойдаси 4226,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 34,9 фоизни ташкил этди. Марказ ҳодимларига 603,3 минг сўм миқдориде ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатилди. Электромангнит мослашув марказининг Андижон ва Жиззах вилояти бўлимларида асосий вазифаларни бир маромда, режалар бажариш таъминланди. Аммо марказнинг А. Бибарсов, К. Тажлов, Р. Глямшиев, П. Петров, М. Жўраев, И. Хўжаниёзов, А. Салаев, К. Наҳимовлар бошқик вилоят бўлимларида белгиланган режалар бажарилмай қолди. Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятлари давлат электралоқа назорати бўлимларининг тўққиз ойлик иш яқунлари кўрсаткичи деб баҳоланди.

Йиғилишда марказнинг баъзи вилоят бўлимлари раҳбарларининг ишида масъулият, ташаббус етишмаслиги таъкидланди. Келгусида бундай нуқсонларни бартараф этиш зарурлиги ўқтирилди. Йиғилишда марказнинг 1996 йилги асосий иш режалари тасдиқланди.

А. АБДУРАҲМОНОВ

## МУКОФОТ МУБОРАК

Алоқа соҳасида кўп йиллик халол, самарали меҳнатлари учун Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бirlашмаси бошлиғи Каримжон УСМОНОВ ҳамда Сирдарё вилоят давлат почта алоқаси корхонаси бошлиғи Мукамбар ҚИЛИЧЕВА Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг «ФАҲРИЙ ЕРЛИГИ» билан мукофотландилар.

Сўх тумани алоқа тармоғи ҳодимлари аҳолига телефон, радио, телеграф хизмати кўрсатишда астойдил меҳнат қилишмоқда. Жонкуяр алоқачилардан бири Абдусалим Набиев жамоада етти йилдан буён ра-


## АЛОҚА ЖОНКУЯРЛАРИ

диомантёр бўлиб меҳнат қилади. Ўз касбини яхши билган Абдусалим туман марказидаги 1500 дан зиёд хонадон, ташкилот, муассасаларга ўрнатилган радионукталарни назорат қилиб, бенуқсон ишлаши учун жон куйдиради. Очқикўнгил, хушмуомала алоқачи одамлар ҳурматиға сазовор бўлмоқда.

Сўх тумани аҳолисиға кўнгилдагидек алоқа хизмати кўрсатишда Абдусалом Жўраев, Раҳимжон Мамажонов, Ҳомитали Бегматов, Алижон Мирҳисенов, Юсуфбек Нарзиддинов, Раъноҳон Эгамбердиеваларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, туман алоқачилари «Хабар» газетасининг доимий мухлисларидир. Бу йил 33 нафар алоқачи сеvimли газеталарига обуна бўлишди.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ,  
Фарғона вилояти

«Ўзбекистон почтаси» концерни жамоаси Хоразм давлат почта алоқа корхонасининг етакчи мутахассиси  
МАТЖОНОВ Эркин  
Матқубовичнинг  
бовақт вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардик изҳор қилади.



Тошкент Электротехника алоқа институтининг радиоалоқалар қурилмаси ва тизими тажрибахонаси муdiri, 30 йиллик меҳнат фахрийси, мураббий С. А. Васильев талаба билан амалий машғулот ўтказяпти.

## БУНЁДКОРЛИК ЭТМОҚДА

1995 йили «Алоқинвест» хиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти республикамизда ўтказилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар ҳамда босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиш шароити билан боғлиқдир.

Ўтган йили хиссадорлик жамияти бажарган пудрат ишлари натижасида корхона 10732,0 минг сўм даромад олди. Бу кўрсаткич 1994 йилга нисбатан 106,3 фоизни ташкил қилди. Мазкур хиссадорлик жамиятиға қарашли корхоналар қурилиш ишлаб чиқариш ҳажмини кескин оширдилар. Жумладан, Хоразм алоқа механизациялашган кўчма колоннаси (бошлиғи К. Б. Кўрөзов) иш-

лаб чиқаришда — 14,2 фоиз, Жиззах МКК (В. Қ. Қобилов) — 19,3 фоиз, Сирдарё МКК (Н. П. Бобоев) — 25,2 фоиз, Тошкент ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш бошқармаси (Б. А. Исроилов) — 42,7 фоиз, Фарғона МКК (Д. Д. Тошматов) — 15,3 фоиз ўсишға эришдилар.

«Алоқинвест» хиссадорлик жамияти хўжалик фаолиятидаги умумий рентабеллик даражаси 21,8 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич қурилиш-монтаж ташкилотларида — 19,6 фоизни, «Ўзбекалоқақурилиш» корхонасида — 31,4 фоизни, ЎзДАЛИ лойиҳа институтида — 30,8 фоизни ташкил этди.

«Алоқинвест» хиссадорлик жамияти ўтган йили республи-

камиз шаҳар ва қишлоқ АТСлари учун 24310 рақамли, жумладан, Бекобод шаҳрида 4000 рақамли, Тошкентда 4,9 минг рақамли, Термизда 1,0 минг рақамли АТСларнинг тўла қувват билан ишға туширилишини таъминлади. Шунингдек, бошқа вазирлик ва хўжаликларда, масалан, Қоғоз фабрикасини телефонлаштириш, Техника марказининг еттинчи қаватини қайта таъмирлаш каби ишлар «калоти билан» усулида амалга оширилди. Бунёдкорлик ишлари ҳозирда ҳам қизғин олиб бориляптир.

Ўрни келганда шунинг айтиб ўтиш жоизки, баъзи меҳнат жамоалари хиссадор бўла туриб, ҳалиям ўзларини корхонанинг ҳақиқий эгалари эканликларини тўла ҳис қилишмаяпти. Шу боис ҳам жойларда масъулият ҳамда ташаббускорлик сезилмаётир. Шунга қарамасдан хиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилинганда ўтган йилларға нисбатан, тўғрироғи 1990 йилдан

бошлаб бажарилган ишлар ҳажми 6,3 фоизға ошган.

1996 йили «Алоқинвест» хиссадорлик жамияти олдида ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастури»да кўзда тутилган режаларни ҳамда шартнома мажбуриятларини бажариш, ушбу йилда бюортмаларни қўпайтириш, «Ўзбектелеком» концерни билан ҳамкорликда давлат аҳамиятиға молик бунёдкорлик ишларини, жумладан, Транс-Осиё-Европа магистрალი қурилишини давом эттириш каби қатор муҳим вазифалар турибди.

Ш. НОСИРОВ,

«Алоқинвест» хиссадорлик жамиятининг Самарқанд вилояти алоқа механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи

Ислом тарихида Халифа ҳазрат Умар (Р.А.)нинг ниҳоятда адолатли бўлганлиги ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Бир куни Халифа осойишталикни назорат қилиш учун айланиб юрар эканлар, бир ўй олдида тўхтаб, ичкарида бўлаётган она билан қиз

виждонини кўриклашга ожиздирлар. Ҳолбуки, жиноят қиладиганлар қоронгу гўшаларда, хилват ерларда «иш» бажарадилар. Бу вазиятни кўрибоннинг кўзи ҳам, руҳи ҳам сезмайди. Ажабки, энг замонавий ашёлар билан жиҳозланган кўриқбонлар ташкилоти ҳам

чилиқларини, ҳақиқий аҳволини ўлчаб боради. Зеро, қилинган иш, айтилган сўз ақл ва тафаккурга мувофиқ бўлса— муҳаббат, ёмон ва разил бўлса— нафрат пайдо бўлади. Мўмин киши Аллоҳнинг буйруқларини ақл ва руҳнинг маънавий қуввати бўлган иймон-

## ИНСОН ВА ВИЖДОН

сўхбатини эшитиб қоладилар.

— Қизим, эртага сотадиган сутимизга бироз сув қўш, — дейди она.

— Ойи, Халифа сутга сув қўшишни таъқиқлаб фармон чиқарган-ку, — деди қизи.

— Қизим, гапингни қара! Шу алламаҳалда, ётоғида мазаза қилиб ўхлаб ётган Халифа сен билан бизни кўриб турибдими? Сут-сув қўшганимизни қақдан билди.

Шунда қизи онасига абадий ҳақиқатни баён қилди:

— Ойи, ойижон! Халифа уйкуда ўхлаб, хабари бўлмаса, Аллоҳ ҳам уйкудами? Унинг ҳам хабари йўқми? Ҳийламинини инсондан яширишимиз мумкин, ammo барча нарсани кўриб-билиб турган Аллоҳдан қандай бекитамиз?..

Ҳазрат Умар (Р.А.) на ухлайдиган, на кўзларидан бирор гуноҳни яшириб бўладиган, иймонли-виждонли мўминлар қалбидан жой олган Аллоҳ Таолога кўп амаллар айтиди ва ҳалиги сутга сув қўшишга Аллоҳдан кўриқиб, виждони йўл бермаган қизни ҳаҳялар билан сийлади...

Аёнки, ҳеч бир кўриқбон назоратни инсон қалби ва Виждонни каби аъло удалай олмайди. Кўриқбонлар майдонларни, кўчаларни, маҳкамаларни кўриқлайдилар, ammo инсон қалби ва

бу қадар ошкор ҳийлакорликларнинг олдини ололмапти ва аслини олганда ололмайди ҳам...

Демак, наҳот — инсоннинг Қалбида — Иймони-Виждонида! Ҳамма нарсани билладиган, кўрадиган, эшитадиган Аллоҳ Таолога бўлган иймон-ишончида!..

Жамиятимизда «Дин дунёни интизомга келтиролмайди, фақат оҳират саодатига эриштиради, бизга дин керак эмас, дунё керак» дегувичилар бор ва улар гам-ташвишли дунёларида осойишталик, фаровонлик, хотиржамлик, ҳузур-ҳаловатни диндан ташқарида кўрадилар. Ваҳоланки, исломсиз фаровонлик ҳам, осойишталик, хотиржамлик ва ҳузур-ҳаловат ҳам йўқ. Оҳиратимизгина эмас, дунё саодатимиз ҳам Ислом динига ва диндорликка боғлиқ. Бу гап ҳамма инсонларга ва халқларга тааллуқли. Зеро, дин инсон Қалбида — Виждонида шундай бир кўриқбон-соқчики, фақат у икки дунёимизни обод қилади. Чунки, дин икки дунёимизнинг осойишталиги ва ҳузурини, интизомини яхшироқ кўриқлайди.

Виждон — руҳимизга, фикримизга таъсир қиладиган ҳиссиёт, маънавий қувватдир. Виждон инсон саъй-ҳаракатларининг яхши ва ёмонлиги, фойда ва зарарлигини унинг ўзига айтиб туради. Инсон виждон тарозиси орқали ўзининг ва бошқаларнинг ютуқ ҳамда кам-

виждон орқали англайди.


Виждон яхши ҳулқларнинг манбаи, кўриқбони. Шу боис виждон ва диёнат соҳиблари ҳар бир ишни беғараз, холис ният билан бажаради ва бошқалар назарида мақбул, суюкли бўлади.

Виждонсиз кишиларнинг нияти ва амалларида, дўст-ошналикларида яширин бир гараз бўлгани боис, улар доимо ҳасрат ва надоматда, виждон азобида яшайдилар. Абдулла Авлоний ёзадилар: «Ҳар бир инсоннинг ҳақиқат фойли виждондир, меваси яхши амалдур, ҳосили виждондир».

Инсон диний ва дунёвий ишларни виждони соясига бажаради. Соф виждонли кишилар иймон-этикодаларини камолга етказмоқ учун Аллоҳнинг буйруқларини, дунёвий фойдали ишларни ажиб бир қувончу шод-хуррамлик билан қилади.

Виждон инсоннинг аҳволи ва саъй-ҳаракатларини яққол кўрсатиб турадиган тиниқ бир ойна-кўзгудирки, бу ойнага чин нигоҳ ташлаган киши ўз айб ва нуқсонларини тузатиш ҳаракатида бўлади. Ислом ахлоқи нуқтан-назаридан мўсулмон киши ўз виждонини софлиги учун, Аллоҳ розилигини топиш учун яхши амаллар, саъй-ҳаракатлар қилсанига икки дунё саодатига эришади.

Ғулломхон ҒАҒУРОВ



Ғуруримиз тинсоли.

Бир хотин дугонасига деди:

— Билсан, эрим анча семиз одам. Бизга янги уй беришганиди, сигмаепти. Алмаштирамасам бўлмайди.

— Нимани, уйиними?  
— Йўқ, эримни.

### ЛАТИФАЛАР

— Аттанг, итимиз йўқолиб қолди.

— Шунга ҳам ташвишми? Газетага эълон бер.

— Фойдаси йўқ, итим ўқишни билмайди.

— Ўз фикринг борми? — деб сўрашди буқаламундан.

— Албатта, — дея жа-воб берди у, — ҳозир унинг ранги кўк.

— Беҳуда кутаяпсиз, — деди кампир бекатдаги йигитга. — Бу автобус фақат байрам кунлари юради.

— Айни муддао, бугун менинг туғилган куним!

— Худо кўрсатмасин, мабодо уйда ёнгин чиқса, ҳар ким аввало ўзига энг керакли нарсаларни қутқариши керак, — де-ди она тўрт яшар ўғлига.

— Тушунарли, ойи, унда мен уйинчоқларимни, сиз эса пардоз буюмларингизни қутқарасиз.

Тунги қароқчи йўловчини тўсиб, ўша ҳаммага маълум гапни айтди:

— Пулми еки ҳаётми?

— Ҳаётимни олақолинг, — дея тавалло қилди йўловчи, — чунки пул ўзимга ҳам жуда керак.

## ЛОЧИН ВА ҚУРБАҚА Масал

Лочин баянд осмон узра парвоз қиларкан, ям-яшил ўрмон ва далалар, дунё ва кўллар, шаҳар ва қишлоқлар, дунёни бахт ва шодликка тўлдириб меҳнат қилаётган одамларни кўриб, завоки келарди.

Лочин осмонда уча-уча чарчабди. Дам олгани кўлмак ёнига келиб тушибди.

— Чақирилмаган меҳмон, йўнмаган таёқдай бўлиб бизнинг томонларга келиб қолибсан. Ватанга-домисан ё? — дебди қурбақа кўлмақдан бошини чқариб.

— Нега ундай дейсан, қурбақа? Ватаним — осмон. Қўқда парвоз қилишдан ҳам юксак бахт борми дунёда?! — дебди Лочин.

— Эй, Лочин, умрим бино бўлиб, осмон Ватан бўлганини эшитганим йўқ. Бу тушингни сувга айт. Яхшиши кел, менинг кўлмагимда балчиқлар ичра яшайлик, — дебди Қурбақа.

— Сен тушингни сувга айт! Беғубор осмоним — ватанимни севаман, ундан ажралолмайман, — дебди Лочин.

Сўнг самога кўтарилибди.

Қурбақа эса ҳали-ҳамон осмонга қарарми, ammo Лочиннинг Ватанини кўролмай, яна ўз кўлмагига шўнғиркан.

Ичи қораларга бу олам қоронгу бўлиб кўринадди, кўлмақдан бошқа нарсани кўрмайди.

Эркин ҚОДИРОВ

## АРАСТУ ҲИҚМАТЛАРИ

Билимнинг илдизи эчкик, лекин меваси ширин.

Дўстлар бизга қандай муносабатда бўлишини истасак, ўзимиз ҳам уларга шундай муносабатда бўлишимиз даркор.

Ҳар қайси оила давлатнинг бир бўлагидир.

Ҳар қандай санъатнинг, жумладан, тарбия санъатининг ҳам мақсади — инсонда табиат ато

этмаган нарсаларнинг ўрнини тўлдиршидан иборат.

Дўст — икки танада яшаётган битта жон.

Билим бобида жуда илгарилаб кетиб, маънавият бобида ортада қолган одам олдинга эмас, орқага қараб кетаётган бўлади.

Мулоҳаза гоҳида саломатликка зарар келтиради.

Жиноятга баҳона керак, холос.

Эзгулик ҳақида мулоҳаза юри-тишининг ўзи эзгулик деган гап эмас.

Ҳеч нарса мурувват, эзгулик сингари тез эскирмайди.

Меъёрни билиб ҳазиллашган кишигина зуққодир.

Заковат — билимли шижоат.

Тенглик — дўстликнинг жонидир.

Ҳаддан ташқари бежирим сўз кишининг феъл-атворини ҳам, унинг фикрини ҳам кўмиб ташлайди.

\* Ажаб дунё

## УМИДСИЗЛИК ХАВФЛИДИР

Дўхтирлар ижобий туйғуларнинг инсон саломатлигидаги аҳамияти ҳақида кўпдан гапириб келишади, буни илмий тадқиқотлар орқали исботлашган ҳам. Ҳўш, энди салбий эҳтиросларнинг таъсири қандай деган савол туғилади. Маълум бўлишича, бу борада махсус текширувлар ўтказилмаган экан. Шунинг учун ҳам Америкадаги Касалликларни назорат қи-

лиш ва олдини олиш миллий маркази доктори Роберт Ханнинг шу масалага бағишланган маърузаси катта қизиқиш уйғотди.

У Америка соғлиқни сақлаш жамғармасидаги ҳамкасблари ҳузуридаги нутқига бизнинг кайфиятимиз соғлигимизни мустаҳкамлаши ёки аксинча, уни заифлаштириши мумкинлигини таъкидлади. Унинг айтишича, салбий эҳтиросларнинг таъсири кам ўрганилган бўлиб, улар саломатликнинг ёмонлашувида асосий рол ўйнаши мумкин экан. Хан ўз мулоҳазаларини юракнинг ише-

мик касалликлари билан боғлиқ мисоллар орқали давом эттирди.

## ЖУРНАЛИСТ БУЛИШ ОСОНМАС

Ўтган йил россиялик журналистлар учун оғир келди.

Декабрь ойи айниқса фожиаи бўлди. Ошқоралиқни ҳимоя қилиш жамғармасидан хабар қилишларича, шу ойда бешта журналист қалтакланган. Россия Федерацияси ҳудудида ўн та, МДҲда эса ҳамми 32 та журналист ҳалок бўлган.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бosh муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Тоҳир РАҲИМОВ  
Ёқубжон ХУҶАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ  
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:  
Бўривой АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ  
Сайдахмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Жамол КАМОЛ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Сафар ОСТОНОВ  
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64500 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратта келган кўаёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ортиқлиги дозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатта олин №000011. Бюрогма №Г-0106. 9894 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 5

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Хафтаном».

8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давом).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 16-қисм.

9.15 «Италия таассуротлари». 2-курсатув. 9.40 «Али — кичкина». Андижон вилоят «Лола» кўнрақ театрининг спектакли.

10.15 «Ассалом, впон тили». 10.55 «Умр мазмуни». Шифокор Нормурод Жабушев ҳақида телочерч.

11.10 «Дарактлар катта эди». Бадий фильм. 12.40 — 13.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанисини эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилıklar.

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00

Россия давлат телевидениеси 18.20 — 21.40

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгилıklar.

18.00 Янгилıklar. 18.10 Эълонлар.

18.15 «Мультифейерверк». 18.45 «Палитра».

19.10 ТВ II намойиш эъди. 19.25 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар.

19.50 «Муҳижиз» (Давид Копперфильд). 20.15 «Муслиқий йўлка».

20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Курьер».

21.15 «... яна об-хаво ҳақида». 21.25 ТВ II намойиш эъди.

21.40 «Эм-Ти-Ви» оханглари ва Эълонлар. 22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

22.50 — 23.50 «Спорт-қитъаси».

17.50 Янгилıklar. 17.55 Эълонлар.

18.00 «Муза узра нақшлар», «Олатов гулдаси». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси 18.20 — 21.40

Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгилıklar.

17.05 «Кўзумчоқ». Болалар учун курсатув. 17.40 «Уста». Г. Брим.

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель». 19.55 Эълонлар.

20.00 «Хар соҳадан бир шингли». 20.15 «Туркия ревию».

20.55 Эълонлар. 21.00 «Офарин-96». Фестиваль кундалиги.

21.15 «Юлдузлар ёғдуси». 21.45 «Спорт-тайм».

22.15 — 23.20 «Театр сахналарида».

СЕШАНБА, 6

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот».

7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давом).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 17-қисм. 9.10 «Ешлик» студияси. «Онамнинг ўғиллари».

9.40 «Ўзбектеелефильм» курсатади: «Академик Пугаченкова». 10.00 «Кичкинтойга хат келди».

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Нимис тили. 11.30 Ўзбекистон тарихи.

12.00 — 14.00 «Бешикчи давон». Видео-канал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилıklar.

18.10 «Кувонқлар даврасида». 18.35 Фубол шарҳи.

18.55 «Бутунга Европа». Публицистик курсатув. 19.25 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар.

19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Кимматли қозғалар бозори».

18.00 Янгилıklar. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультифейерверк».

18.25 ТВ II намойиш эъди. 18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).

19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 «Бизнес-уйқ».

20.05 «Муслиқий йўлка». 20.15 «Арт» — журнал.

20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Видеогид».

21.15 Эълонлар. 21.20 «Киноингоҳ».

23.00 — 24.00 «Спорт-қитъаси».

17.50 Янгилıklar. 17.55 Эълонлар.

18.00 «Эртэк учун раҳмат». «Медео» рижарлари. Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00

Россия давлат телевидениеси 18.20 — 21.40

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгилıklar.

17.05 «Ен қўшим, жон қўшим». 17.45 «Лагин». Телефильм.

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель». 19.55 Эълонлар.

20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

20.50 «Юрдиднет» телекомпаниясининг янгилıkları.

21.10 «Офарин-96». Фестиваль кундалиги.

21.25 «Соқкер-клуб». Фубол шарҳи. 22.25 Эълонлар.

22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.

23.20 — 00.10 «Кинематограф».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилıklar.

18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультифейерверк».

18.45 «Пул қадри». Телеклуб. 19.05 «Олим сари». Спорт курсатуви.


19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 20.05 «Оюма-юз». «Банк ахбороти» ва «Банковские ведомости» газетасининг бош муҳаррири Равшан Озатов билан мулоқот.

20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Шаҳар бедарвоза эмас...» Публицистик курсатув.

21.35 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 20-қисм. 22.20 «Хобизлар хончи қўланда».



ПАЙШАНБА, 8

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот».

7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давом).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 19-қисм. 9.10 «Зебо». Кизлар тележурнали.

9.50 «Хайт мазмуни». Кинодастур. Уқу машғулотлари: 10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.

11.00 «Сихат-саломатлик» понтасидан. 11.30 Умумий биология.

12.00 Алишер Навоий. «Лайли ва Махжун». Видеofilm. 1-қисм.

13.20 — 15.20 «Мазрифат» видеоанали. 17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгилıklar. 18.10 «Тилга эътибор...».

18.45 «Пул қадри». Телеклуб. 19.05 «Олим сари». Спорт курсатуви.

19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 20.05 «Оюма-юз». «Банк ахбороти» ва «Банковские ведомости» газетасининг бош муҳаррири Равшан Озатов билан мулоқот.

20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Шаҳар бедарвоза эмас...» Публицистик курсатув.

21.35 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 20-қисм. 22.20 «Хобизлар хончи қўланда».

23.05 «Ўзбектеелефильм» курсатади: «Нафосатга бахшида умр».

23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот».

23.50 — 01.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Махжун». Видеofilm. 2-қисм.

18.00 Янгилıklar. 18.10 Эълонлар.

18.15 «Мультифейерверк». 18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).

19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 «Автосалон».

20.10 «Хай Фай» («Юқори сифат»). 20.25 Эълонлар.

20.30 «Ахборот».

20.50 Эълонлар. 20.55 «Сизнинг услуб».

21.10 «Жаҳон киноси юлдузлари». 21.35 «Эм-Ти-Ви» оханглари ва Эълонлар.

21.55 «Киноингоҳ». 23.35 — 00.35 «Спорт-қитъаси».

17.50 Янгилıklar. 17.55 Эълонлар.

18.00 «Емиришли». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00

Россия давлат телевидениеси 18.20 — 21.40

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилıklar. 18.05 «Навиёзлик». Видеоанали.

18.10 «Айладим ул мамлакатни яққалам...» 18.35 «Эл аро машҳудир...»

19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари.

20.05 «Кўнгулм ира...» 20.25 Эълонлар.

20.30 «Ахборот». 20.55 «Нитогининг маъноси нодир».

21.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 21-қисм.

22.10 «Одаий эрсанг...» 22.25 Эълонлар.

22.50 Эълонлар. 23.30 «Ахборот».

23.50 — 01.15 Алишер Навоий. «Лайли ва Махжун». Видеofilm. 3-қисм.

18.00 Янгилıklar. 18.10 Эълонлар.

18.15 «Ривоят». 18.20 «Офарин».

19.00 «ЯКС» кўшиқлари. 19.25 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эълонлар. 19.50 Репортаж.

20.10 «Эртага — шанба». 20.25 Эълонлар.

20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар.

21.25 «Мафтункор чехралар». 21.50 «Таманно».

21.30 «Эм-Ти-Ви» оханглари ва Эълонлар.

22.10 — 23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

17.50 Янгилıklar. 17.55 Эълонлар.

18.00 «Оққоқлар». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00

Россия давлат телевидениеси 18.20 — 21.40

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгилıklar.

17.05 «Ўз ҳақинга суъаб бер...» 17.35 «Жонажон ўлкам». «Унутилмас кўшиқлар». Телефильмлар.

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель». 19.55 Эълонлар.

20.00 «Навигаторнинг парвози». Бадий фильм.

21.25 «Бизнес-академия». 21.50 Эълонлар.

18.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.15 «Телташирди».

20.50 Эълонлар. 21.10 «Бугунги Европа».

21.30 «Бу ажиб дунё». 21.50 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».

22.00 «Олам ва одам». 22.45 — 23.25 «Монитор-Осиё».

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 22-қисм.

9.10 «Айналар... Оханглр... Ашуларлар...»

9.40 «Ешлар камолотида айналар»

9.70 «Ватанга кизмат қиламан».

10.00 «Камал». Болалар учун кинодастур.

12.30 «Компьютер-шоу».

13.15 «Ташриф». Дам олиш дастури.

13.45 — 15.45 «Болалигим — пошонилим». Кичкинтойлар учун видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Хўтинкинг хомушли касаллигига чалинган ҳақида».

18.10 Мактаб ўқувчлари учун. «Ўйла! Илал! Топ!»

19.05 «Ўйнаи жаҳонда...»

19.30 «Панорама» (рус тилида).

19.55 Эълонлар. 20.00 Эълонлар.

20.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».

20.30 «Ахборот».

20.50 «Жаҳон киноси юлдузлари».

21.05 «Органида юрлайди чироқ». Хусниддин Шарипов.

23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот».

24.00 «020» Жаҳон киноси юлдузлари. Одрн Хэлперн.

9.00 «Ривоят». 9.05 «Офарин».

9.40 «Олам». Мазрифий курсатув. 9.55 «Виджон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).

10.30 «Панорама» (рус тилида).

10.55 Эълонлар. 11.20 «Имкон чўққилари».

11.40 Кўнгул. 12.05 Видео янгилıkları.

12.25 «Эм-Ти-Ви» оханглари ва Эълонлар.

12.45 Видео — «О». 12.55 — 15.25 «Спорт-қитъаси».

ЯҚШАНБА, 11

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давом).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 22-қисм.

9.10 «Айналар... Оханглр... Ашуларлар...»

9.40 «Ешлар камолотида айналар»

9.70 «Ватанга кизмат қиламан».

10.00 «Камал». Болалар учун кинодастур.

12.30 «Компьютер-шоу».

13.15 «Ташриф». Дам олиш дастури.

13.45 — 15.45 «Болалигим — пошонилим». Кичкинтойлар учун видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Хўтинкинг хомушли касаллигига чалинган ҳақида».

18.10 Мактаб ўқувчлари учун. «Ўйла! Илал! Топ!»

19.05 «Ўйнаи жаҳонда...»

19.30 «Панорама» (рус тилида).

19.55 Эълонлар. 20.00 Эълонлар.

20.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».

20.30 «Ахборот».

20.50 «Жаҳон киноси юлдузлари».

21.05 «Органида юрлайди чироқ». Хусниддин Шарипов.

23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот».

24.00 «020» Жаҳон киноси юлдузлари. Одрн Хэлперн.

ШАНБА, 10

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

7.30 «Ахборот». 7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давом).

8.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Мухаммадун Расулуллоҳ». 2-фасл. 21-қисм.

9.10 «Мехр». Маннон Уйғур номидаги Санат институти битирувчиларининг учрашуви.

10.00 «Замон». 10.15 «Назм ва наво».

11.15 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Бой ва афанди».

11.55 Алишер Навоий. «Лайли ва Махжун». Видеofilm. 3-қисм.

13.20 — 15.20 «Мазнавият» видеоанали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Компьютер-шоу».